



## THE HISTORY OF THE DEVELOPMENT OF A NATIONAL LEGAL FRAMEWORK AIMED AT ENHANCING WOMEN'S SOCIAL AND POLITICAL ACTIVITY AND SUPPORTING THEM

*Khulkar Kholikulova*

*Associate Professor*

*Academy of Law Enforcement of the Republic of Uzbekistan*

*Tashkent, Uzbekistan*

### ABOUT ARTICLE

**Key words:** women's rights, gender equality, national legislation, social and political activity, Uzbekistan, international standards, democratic progress.

**Received:** 30.01.25

**Accepted:** 01.02.25

**Published:** 03.02.25

**Abstract:** This article examines the development of the national legal framework designed to enhance women's social and political activity. It highlights the historical and contemporary efforts of Uzbekistan to ensure gender equality. Additionally, it explores mechanisms for protecting women's rights in alignment with international standards. The article emphasizes that gender equality is a crucial indicator of democratic progress within a country.

## АЁЛЛАРНИ ИЖТИМОЙ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ВА УЛАРНИ ҚЎЛЛАБ ҚУВВАТЛАШГА ҚАРАТИЛГАН МИЛЛИЙ ҚОНУНЧИЛИК ТИЗИМИНИНГ ЯРАТИЛИШ ТАРИХИ

*Хулкар Холикулова*

*Доцент*

*Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилиш Академияси*

*Тошкент, Ўзбекистон*

### МАҚОЛА ҲАҚИДА

**Калит сўзлар:** Аёллар ҳуқуқлари, гендер тенглиги, миллий қонунчилик, ижтимоий-сиёсий фаоллик, Ўзбекистон, халқаро стандартлар, демократик ривожланиш.

**Аннотация:** Мақолада аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга қаратилган миллий қонунчилик тизимининг ривожланиш жараёни таҳлил қилинади. Ўзбекистонда гендер тенглигини таъминлаш борасидаги тарихий ва замонавий қадамлар ёритилган. Шунингдек, халқаро стандартларга мувофиқ равишда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари ҳам кўриб чиқилган. Мақолада гендер тенглиги

---

## ИСТОРИЯ СОЗДАНИЯ НАЦИОНАЛЬНОЙ ЗАКОНОДАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЫ, НАПРАВЛЕННОЙ НА ПОВЫШЕНИЕ СОЦИАЛЬНО-ПОЛИТИЧЕСКОЙ АКТИВНОСТИ ЖЕНЩИН И ИХ ПОДДЕРЖКУ

*Хулкар Холикулова*

*Доцент*

*Правоохранительной Академии Республики Узбекистан*

*Ташкент, Узбекистан*

---

### О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** права женщин, гендерное равенство, национальное законодательство, социально-политическая активность, Узбекистан, международные стандарты, демократическое развитие.

**Аннотация:** В статье анализируется процесс развития национальной законодательной системы, направленной на повышение социально-политической активности женщин. Освещены исторические и современные шаги Узбекистана по обеспечению гендерного равенства. Также рассматриваются механизмы защиты прав женщин в соответствии с международными стандартами. В статье подчеркивается, что гендерное равенство является важным показателем демократического развития страны.

---

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ва ҳозирги вақтгача аёлларнинг дунёдаги ҳуқуқий ҳолатини ҳимоя қилишга қаратилган нормаларнинг ўрни ортиб бормоқда. Айниқса иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда Гендер тенглиги принципини халқаро миқёсда мустаҳкамлаш ва ундан келиб чиқадиган аёллар ҳуқуқлари тизимини ҳар томонлама ривожлантириш жараёни бошланиб кетди. Бугунги кунда аёллар ҳуқуқлари бўйича йирик халқаро ҳужжатлар амал қилмоқда ва улар аёллар ҳуқуқларини таъминлаш учун мустаҳкам ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжатлар декларациялар, тавсиялар, конвенциялар ва ҳаракат дастурлари ёки стратегиялари каби мажбурий ёки тавсиявий характердаги ҳужжатлар шаклида қабул қилинган. Узоқ шаклланиш жараёнини босиб ўтган аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро-ҳуқуқий меъёрлар БМТ томонидан ишлаб чиқилган кўплаб ҳужжатларда ўз аксини топган ва ушбу норматив ҳужжатларнинг такомилли ҳозирги кунгача давом этмоқда[1].

Ўзбекистон ҳам халқаро қонунчиликнинг ажралмас қисми сифати аёллар ҳуқуқларини таъминлаш борасида қатор қонунларни қабул қилиб келмоқда. Умуман бизнинг аёллар ҳуқуқларини таъминлашга оид қонунчилигимиз узоқ тарихга бориб тақалади. Масалан, Зардуштийлик динининг муқаддас китоби Авестода ҳам аёлларнинг мулкдор бўлиш ҳуқуқи акс этган бўлиб, аёллар ўзларига тегишли бўлган мулкларини мерос

қилиб олиш ва бошқариш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланади[2]. Аёллар сиёсий вазибалардан кўра кўпроқ диний маросимларда иштирок этишлари маъқул ҳисобланган. Чунки бу уларнинг ҳис туйғуга мойиллиги билан изоҳланади. Шунинг учун аёллар орасидан жуда кўплаб диний маросим иштирокчилар чиққан[3].

Бундан ташқари милоддан аввалги VIII-IX асрларда қабул қилинган урхун энасой ёзувида ҳам аёллар ҳуқуқларига оид қоидалар учрайди. Бу ёзув Урал-Олтой ва Марказий Осиё тарихига оид қимматли маълумотлар бериш билан бирга асосан урхун туркий халқларнинг ҳаёти ҳақида маълумотлар тақдим этади[4]. Ушбу ҳужжатда аёлларнинг мулкдор бўлиш ва мулкни бошқаришларига оид бир қанча қоидалар учрайди[5]. Ҳужжатда асосан аёлларнинг оилавий ҳаётда ва жамиятдаги ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд[6]. Баъзи маълумотларга кўра, аёллар давлатдаги сиёсий масалаларни ҳал қилишда иштирок этганлиги ва оилалари орқали ижтимоий-ҳуқуқий масалаларда таъсир кўрсатганлиги қайд этилган[7]. Урхун Енасой ёзувида аёлларнинг ҳуқуқларига оид аниқ маълумотлар учрамасада, лекин урхун туркий халқининг анъаналаридан келиб чиқиб уларга алоҳида ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин[8].

Хусусан, Қорахнийлар, Хоразмшоҳлар, Амир Темур, Шайбонийхон даврида ҳам аёллар ҳуқуқларига оид қонунлар аниқ белгилаб қўйилган бўлмаса-да, уларнинг таълим олиш ва сиёсий ҳуқуқларини чеклайдиган қонунлар ҳам бўлмаган. Шунинг учун жамиятда аёлларнинг ўрни катта бўлган. Ҳатто сиёсий масалаларда ҳам ўз таъсирларига эга бўлганлар. Буни Бибиҳоним, Туркон хотунлар мисолида кўришимиз мумкин[9].

Темур давлатининг қонунчилик тизими, асосан, Шарқий мусулмон қонунларига асосланган бўлиб, унда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий масалалар бўйича аниқ қоидалар белгиланган. Амир Темур ўз ҳукмронлиги даврида кўплаб қонунлар қабул қилган бўлиб, бу қонунлар орасида аёлларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган қайдлар мавжуд эди. Бироқ, бу қонунлар тўғридан-тўғри аёлларнинг ҳуқуқлари ҳақида эмас, балки умумий ижтимоий тартиб ва барқарорликни сақлашга қаратилган эди[10].

1940-йилларга келиб, аёллар меҳнати қўлланиладиган соҳалар эркаклар соҳаларига деярли тенглашди. Чунки иккинчи жаҳон уруши ишчи кучи сифатида аёлларга муҳтожлик сезди. Натижада аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминловчи қонунлар қабул қилинди. 1939 йилда туғруқ таътили 16 ҳафталик муддатдан 63 кунгача қисқартирилди (40% га қисқартирилди). Фақат 1950-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб аёлларнинг меҳнат шароитларини яхшилашга қаратилган қонунлар қабул қилинди: ҳомиладорлик ва туғруқ таътили 112 кунгача узайтирилди; ҳомиладорлик ва туғруқ учун нафақа олишда уч ойлик стаж талаб қилинмайдиган бўлди (1957 йил); аёллар учун пенсия ёши ва меҳнат

стажи бўйича бир қатор имтиёзлар белгиланди (1956 йил); биринчи марта ҳомиладорлик ва туғруқ таътили ҳамда колхозчилар учун кексалик ва ногиронлик пенсиялари белгиланди (1964 йил)[11].

XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб меҳнат кодексига гендер йўналиши шакллана бошлади. Аёллар меҳнати, асосан, меҳнат ҳуқуқи олимлари томонидан икки жиҳатдан кўриб чиқилган: аёлларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқларига кафолатлар ва аёллар меҳнатини ҳимоя қилиш[12]” деган мазмундаги норма киритилди.

Совет давлати шу каби сиёсатни амалда 80-йиллар охири – XX асрнинг 90-йиллар бошигача амалга оширди. Қайта қуриш эркаклар ва аёлларнинг тенг ҳуқуқлари принципига тегишли янги муаммоларни келтириб чиқарди. Совет тизимининг гендер тенглиги мезонлари бузилиши натижасида аёллар иқтисодиётда эркаклар жамоаси томонидан раҳбарлик лавозимларига кўйилмади. Ҳокимиятни қайта тақсимлаш давридаги раҳбар-эркаклар хусусийлаштириш орқали янги мулкка тўлиқ қонуний тарзда кириш имкониятини қўлга киритди[13]. Қайта қуриш натижасида мулк эркаклар синфига тегишли бўлиб қолди, чунки улар ушбу мулкка энг яқин эди. "Ҳокимият–мулк" тарихий феномени ҳисобга олинса, уларнинг кўпчилиги анъанавий усул – куч орқали ўзини ҳокимият билан боғлади. Куч ва пул ҳокимиятининг бирлашуви замонавий СССРда эркаклар мулкдорлар синфини яратди.

Шундай қилиб, совет даври гендер муносабатлари тажрибаси аёллар ва эркакларнинг ҳуқуқий мавқеида аниқ тенгсизлик мавжудлигини кўрсатади, уни бир неча қонун ҳужжатларини қабул қилиш орқали бартараф этишнинг иложи йўқ эди. Совет қонунчилиги турли жинсдаги шахсларни бир хил ҳуқуқлар билан таъминлаш ва уларга бир хил мажбуриятлар юклашда турлича ёндашув зарурлигини ҳисобга олган. Совет конституциялари турли жинсдаги шахсларнинг бир хил ҳуқуқлари ва уларни амалга ошириш имкониятларини мустаҳкамлаш зарурлигини намаён этди, шунингдек, аёлнинг потенциал ёки реал она сифатидаги манфаатлари ва эҳтиёжларини таъминлаш учун ҳуқуқий воситалар мажмуини яратиш зарурлигини кўрсатди. Собиқ иттифоқ даврда аёлларнинг ҳуқуқий мавқеида жинсий мансубликни етарлича баҳоламасдан, аёлларни эркакларга тенглаштиришга интилиш туфайли жиддий камчиликлар мавжуд эди.

Аммо, СССР даврида қабул қилинган қонунлар амалда тўлиқ гендер тенглигини таъминлай олмади. Натижада аёллар, ижтимоий ва иқтисодий масалаларда ўз вазифаларидан ташқари, уй ишларига ҳам масъул бўлиб қолди. Жамиятнинг гендер ролларига нисбатан анъанавий қарашлари бу муаммоларнинг давом этишига сабаб бўлди[14].

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг аёлларнинг ҳуқуқлари ва жамиятда фаоллигини оширишга қаратилган бир қатор қонунлар, дастурлар ишлаб чиқилди ва МДХ давлатлари орасида биринчилардан бўлиб, БМТга аъзо бўлди ва ўз зиммасига хотин-қизларга нисбатан тазийқ ва камситишнинг барча кўринишларига барҳам бериш мажбуриятини олди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам аёллар ва эркекларнинг тенг ҳуқуқли эканлиги белгилаб қўйилди. Конституциянинг 46-моддасида хотин қизлар ва эркеклар тенг ҳуқуқлидирлар деб белгилаб қўйилгани Ўзбекистонда гендер тенглиги сари ташланган илк қадам ҳисобланади. Асосий қомусимизнинг 63 моддасида ҳам никоҳ томонларнинг ихтиёрий розилиги ва тенг ҳуқуқлилигига асосланиши эркин ва тенг ҳуқуқли никоҳ тузиш ҳуқуқи мавжудлигидан далолат беради. Ўзбекистонда аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни қўллаб қувватлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси 1992 йилда биринчи марта Халқаро меҳнат ташкилотининг 100-сонли Меҳнатга ҳақ тўлашда тенглик тўғрисидаги Конвенциясини ратификация қилди. Ушбу конвенциянинг ратификация қилиниши меҳнат бозорида аёлларнинг ҳам манфаатларини ҳимоя қилишни назарда тутди. Ушбу Конвенцияда меҳнатга ҳақ тўлашда аёллар ва эркеклар манфаатларининг тенглиги назарда тутилган. Конвенцияни ратификация қилиш натижасида Ўзбекистонда хотин-қизларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширила бошлади.

Биринчи Президентнинг 1995 йил 2 мартдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижтимоий қурилишида хотин-қизларнинг ролини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони аёлларни мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва маданий тараққиёти масалаларини ҳал қилишга, уларнинг давлат ва жамоат бошқарувидаги иштирокини оширишга кенг жалб этиш учун имкониятларни кенгайтди. Мазкур Фармонга биноан Бош вазир ўринбосари лавозими жорий этилиб, унинг зиммасига хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ролини янада ошириш билан боғлиқ масалалар юкланди. Мазкур фармон билан вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимликларида ҳокимларнинг хотин-қизлар ишлари бўйича ўринбосарлари лавозимлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиде Қорақалпоғистон Жўқорғи Кенгеси Раиси ўринбосарининг тегишли лавозими жорий этилди[16].

1997 йилга келиб Ўзбекистон Хотин-қизларнинг сиёсий ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияни ратификация қилиниши натижасида аёлларнинг давлат органлари ва жамоат ташкилотларида раҳбарлик лавозимларида ишлашларини таъминловчи ҳуқуқий асос яратилди. Мазкур Конвенцияни ратификация қилиш натижасида Ўзбекистондаги барча номатив ҳужжатларга аёлларнинг давлат бошқарувидаги иштирокини рағбатлантирувчи

қоидалар киритилди. Аёлларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини оширишга ва лидер аёлларни тарбиялашга қаратилган тренинглар ва ўқув дастурлари жорий қилинди.

Республикамизда илк бор 1994-1999 йилларда хотин-қизлар ҳам кўппартиявийлик асосида ўтказилган сайловда иштирок этиб, барча даражадаги вакиллик органлари депутатлигига сайландилар. 1999 йил 5 декабрда ўтказилган сайловларда 250 депутатлик мандатидан 17 тасини аёллар қўлга киритдилар. Олий Мажлиснинг уч ўринбосаридан 1 нафари, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси, Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раислари аёл киши эканлиги хотин-қизларнинг давлат ва парламент даражасидаги масалаларни ҳал этишга жалб қилиш юзасидан салмоқли иш олиб борилаётганидан далолат беради. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 18 февралдаги “Оилада, давлат ва жамият қурилишида аёлларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий, ижтимоий, иқтисодий ва маънавий манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича 1999 йилга мўлжалланган чора-тадбирларнинг давлат дастури тўғрисида”ги қарори тасдиқланди. Мазкур дастурни ҳаётга жорий этиш мақсадида давлат бюджети, фондлар, касаба уюшмалари, корхона ва ташкилотлар, чет эл кредитлари ва инсонпарварлик ёрдами ҳисобидан маблағ ажратилди. Дастурда кўрсатилган тадбирлар мамлакат барча аёлларининг эҳтиёжларини қамраб олди ва ижтимоий адолат, тенглик ва барқарор ривожланиш давлатимиз сиёсатининг ажралмас қисми ва демократик жамият қурилишининг асоси эканлигини тасдиқлади[17].

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан 2018 йил 2 февраль куни имзоланган «Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳам бу борадаги саъй-ҳаракатлар самарадорлигини яна бир янги босқичга олиб чиқувчи муҳим тарихий ҳужжат бўлди. Фармонда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг жамият ҳаётидаги фаоллигини ошириш, хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш мақсадида қўмита фаолиятининг устувор йўналишлари белгилаб берилди[18]. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг янгиланган тузилмалари тасдиқланди. Шу ўринда, Ўзбекистонда ушбу йўналишдаги меъёрий-ҳуқуқий базани ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишларга тўхталиш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўтган йиллар мобайнида аёллар манфаатларини ҳимоя қилишга йўналтирилган қарийб 100 та миллий ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди ва ратификация қилинди.

Ушбу қабул қилинган қарорлар натижасида олий маълумотли аёллар сони эркаклар сонига тенглаша бошлади ҳатто 12,7% га ҳам ошиб кетди. Тадбиркорлик фаолияти билан



шуғулланаётган аёллар сони ҳам мунтазам ортиб бормоқда. Натижада, аёлларнинг иш билан бандлигининг экстенсив туридан инновацион турига ўтиши иқтисодиётдаги ўзига хос бир инқилоб ҳисобланади. Бу усул аёлларнинг иш билан бандлигининг нопрогрессив, эски, камситувчи шакллардан янги прогрессив, тенг ҳуқуқли шаклларга эволюцион ўтишни англатади. Ҳозирги шароитда аёлларни иш билан бандлигининг интенсив, инновацион турига ўтиши учун аёлларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаган тарзда давлат томонидан махсус дастурлар ишлаб чиқилмоқда .

Аёлларнинг бандлигини таъминлаш ва лидер аёлларни тарбиялаш мақсадида 2019 йил 20 март куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5 та муҳим ташаббус лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу ташаббусларнинг бешинчиси хотин-қизларни иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ва уларга иш ўринлари яратиш орқали тўлиққонли ҳаёт шароитларини таъминлашга қаратилган. Бундан ташқари аёллар бандлигини таъминлаш, уларнинг фаоллигини ошириш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Президенти ушбу масалага алоҳида эътибор қаратиб, 2019 йил 7 март куни «Хотин-қизларнинг меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлаш ва уларнинг тадбиркорлик фаолиятини кўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорни имзолади. Ушбу қарор доирасида тегишли органлар ва ташкилотларга эркаклар ва аёллар учун тенг ҳуқуқлар ва имкониятларнинг кафолатлари тўғрисидаги қонунни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди[19].

2021 йилда Ўзбекистонда 2030 йилгача мўлжалланган Гендер тенгликка эришиш стратегияси тасдиқланди. Гендер стратегиясида БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ ҳолда барча соҳаларда хотин-қизлар ва эркаклар ўртасида тенглик тамойилини татбиқ этишга ҳамда иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётда гендер тенглик тарғиб қилинишини таъминлашга қаратилган комплекс чора тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган. Мазкур Стратегияда барча учун тенг ҳуқуқли ва сифатли таълимни таъминлаш, қишлоқ жойларида қизларнинг олий маълумотга эга бўлиши, хотин-қизлар гендер тенглигига эришиш, зўравонликка йўл қўймаслик, одам савдосининг олдини олиш каби масалалар қамраб олинган. БМТ Барқарор ривожланиш мақсадлари бажарилишини аниқлашга қаратилган 32 та гендер индикаторини қабул қилганимиз ҳам бу болада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, гендер тенглиги мамлакатнинг демократик ривожланиш даражаси кўрсаткичи ҳисобланади. Янги Ўзбекистон Конституцияси ва аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг жамиятда фаоллигини оширишга қаратилган барча норматив ҳужжатлар нафақат инсон ҳуқуқларининг асосий қоидаларини акс эттиради,

балки гендер тенглигини таъминлашнинг кафолати сифатида ҳам тинчлик, фаровонлик ва барқарор тараққиётга эришиш учун зарур асос ҳисобланади.

#### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Воскобитова М.Р. Подходы Европейского суда по правам человека к рассмотрению дел о домашнем насилии в отношении женщин // Международное правосудие. 2017. No 1 (21). С. 85–95.
2. Хамидов Х. Благодатности «Авесты». – Ташкент, 2001. – С. 59.
3. Хинтце А. А. «Рецензия на книгу «Зло, добро и пол». Грани женственности в истории зороастрийской религии Д. Чокси, Журнал Королевского азиатского общества, 2003, стр. 403-10.
4. Tekin, T. "Orkhon Inscriptions: Studies on Ancient Turkic Culture." Turkic Languages and Cultures, Istanbul, 2010.
5. Urkeshov, N. "Ancient Turkic Inscriptions and Their Socio-Legal Significance." History and Culture of Uzbekistan, Tashkent, 2014.
6. Suyunov, A. "Orkhon Inscriptions and Ancient Turkic Society." Ancient History of Uzbekistan, Tashkent, 2018.
7. Ghulomov, M. "Social Life in Orkhon Inscriptions: The Role of Women." Journal of Turkic Studies, vol. 5, no. 3, 2021, pp. 25-30.
8. Синор, Денис (2002). "Древнетюркский". История цивилизаций Центральной Азии. 4. Париж: Издательство ЮНЕСКО. стр. 331-333. ISBN 978-0-7007-0869-7.
9. Shomurodov, A. "Amir Temur and Women: A Historical Perspective." History and Culture of Uzbekistan, Tashkent, 2015; Abdurazzakov, M. "The Rights and Social Role of Women in the Era of Amir Temur." Journal of Young Scholars, vol. 3, no. 2, 2019, pp. 45-50
10. Karimov, I. Amir Temur: His Life and Legacy. Uzbekistan National Encyclopedia, Tashkent, 2000; Rakhimov, F. "Social Life and the Role of Women in the Era of Temur." Uzbekistan Journal of Social Analysis, vol. 1, no. 4, 2021, pp. 10-15; Gafurov, A. "Women in the History of Eastern Nations: The Case of the Era of Amir Temur." Historical Research, vol. 12, no. 1, 2020, pp. 70-80.
11. Сборник нормативных актов о труде: В 3 ч. М., 1985. Ч. 2.
12. Курский Д.И. Избранные статьи и речи. М., 1958
13. Автономов А.С. Права человека, правозащитная и правоохранительная деятельность. М., 2009
14. Smith, S. A. (1994). "Women in Russia: 1900-2000." New York: Cambridge University Press.



15. Ирматова А.Б. Развитие инновационного типа занятости женщин. Двадцать восьмые международные Плехановские чтения, Москва, 2015.
16. Аёлга эҳтиром. Т.: Ўзбекистон. 1999. - 52-54-бетлар.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “Хотин қизларни қўллаб қувватлаш ва оила институтини мустаҳкамлаш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
18. Сатторов А. “Ўзбекистонда гендер тенглиги ва унинг ҳуқуқий асослари.” Postda.uz, 07.08.2019. (<https://postda.uz/uzc/news/uzbnews/ayollar1>)
19. Ф. Садикова. Хотин-қизларни илм-фан тараққиётидаги ўрни. Янги Ўзбекистонда хотин-қизларни ижтимоий-иқтисодий ва маънавий қўллаб-қувватлаш” мавзусидаги конференция. Тошкент. 2023.